

## Арслонни қўрқитган овоз



13:30 / 25.05.2021 3696

Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани Ўзига маълум ҳикматга кўра яратган. У Зотнинг яратган махлуқлари турфа хилдир. Ана шулардан бири хўроз. Хўрозларнинг ранги, шакли, бўй-басти, кўриниши уларнинг зотига қараб турлича бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

لَا يَفْنَىٰ وَنَوْمٌ لَّا يَأْتِيهِ الْمَوْتُ لِيَلْبَسَهُ ۗ لَئِيْلَ مَا يَصِفُوْنَ ۗ  
لَا يَأْتِيهِ الْمَوْتُ لِيَلْبَسَهُ ۗ لَئِيْلَ مَا يَصِفُوْنَ ۗ

**«Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани, Менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар. Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар»** (Луқмон сураси, 11-оят)

Хўроз тахминан 4-5 ойлик бўлганда қичқиришни бошлайди. Маълумотларга кўра, унинг кўзлари инсон кўра олмайдиган нурланишни кўриш имкониятига эга бўлгани учун тонг ёғдусини инсондан олдин кўради ва тонг отиши биланоқ қичқиришни бошлаб, барчамизни бомдод намозига уйғотади.

Энди ушбу ҳадисни келтирсак.

«مجلسو هيلع هليل يلىص - يبئلا نأ، عن هليل يضر رةزي ره يبأ ن ع  
تأر أهف، ولضف ن م هليل أولأساف ةكيدل احايص متمع مس إذإ ” :لاق  
ن إف، ناطي شلا ن م هليل اب اوذوعتف رامح لاق يهن متمع مس إذإو، أكلم  
(يئاسن ل او يذمرت ل او مجلس مو يراخ ب ل ا هجخأ) ” اناطي ش يأر

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Агар хўрознинг қичқирғини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан фазли ва марҳаматини сўранг. Чунки хўроз фариштани кўрган бўлади. Агар эшакнинг ҳанграшини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан шайтондан асрашини сўранг. Чунки эшак шайтонни кўрган бўлади»,** деганлар.

*(Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Насайлар ривоят қилган)*

Шунинг учун хўроз қичқирганини эшитганимизда:

**م ي ط ع ل ل ك ل ض ف ن م ك ل ل ا س ا ي ن ا م ه ل ل ا**

“Аллоохумма инни ас'алука мин фаз(д)ликал ъазийм”

“Эй Аллоҳ! Мен Сендан буюк фазлингдан сўрайман” дейишимиз лозим.

Эшак ханграганда:

**م ي ج ر ل ا ن ا ط ي ش ل ا ن م ه ل ل ا ب د و ع ا**

“Аъузу биллааҳи минаш шайтони рожийм”

“Аллоҳдан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман” дейишимиз лозим.

Демак, хўроз инсон кўра олмайдиган фаришталарни кўра олади. Аллоҳ таоло уни шундай қилиб яратган.

Ҳеч эътибор берганмисиз, хўроз тонг отишидан олдин ҳам қичқиради. Одамлар ухлаётган чоғда, тун ярмидан оққанда қичқиради. Бу пайтда у нега қичқиршини ушбу ҳадисдан билиб оламиз.

Зайд ибн Холид ал-Жуханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Хўрозни сўкманглар, чунки у (таҳажжуд ва бомдод) намозига уйғотади»**, дедилар.

*Абу Довуд ривояти.*

Демак, хўроз тонг отишидан олдин қичқирганда, бизни таҳажжудга уйғотар экан, тонг отиши биланоқ қичқирганда бомдодга уйғотади. Субҳаналлоҳ!

Айрим маълумотларга қараганда, ўқ овозини эшитганда қўрқмайдиган арслон хўроз қичқиришини эшитганда қўрқар экан. Бунинг сабаби ҳалигача аниқланган эмас.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

***Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***